Полимерларнинг ёнувчанлигини аниқлашнинг яна бир усули бу кислород индекси услубидир. Бу услубда текширилаётган материал кислород ва азот аралашмаси бўлган муҳитга жойлаштирилади. Кислород ва азот газлари меъерини алоҳида тартибга солиш мумкин. Полимер маҳсулотининг ёниш жараёнини давом қилдириб турувчи кислород миқдорининг энг кам қиймати кислород индекси (КИ) деб аталади. КИ нинг қиймати 21 дан юқори бўлса, текширилаётган полимер қийин алангаланадиган, 27 дан юқори бўлса қийин ёнадиган турларга ажратилади.

Полимер маҳсулотининг ёниш жараёнида ҳосил бўладиган тутун миқдорини бирор ҳажмнинг ёруғлик ўтказувчанлик даражаси орқали аниқланади. Бу ҳолда текширилаётган модда қиздирилади, ажралиб чиқаётган тутун ҳажми тўлдиради ва ёруғлик ўтказувчанлик даражаси қайд қилиб борилади. Ёруғлик ўтказувчанлик даражаси энг паст қийматга эга бўлган ҳолат аниқланади ва тутун ҳосил бўлиш коэффициентини аниқланади.

Полимер маҳсулотининг ёниш жараёнида ҳосил бўладиган газсимон моддаларнинг захарлилиги қуйидаги иккита усулда текширилади. Биринчи усулда тутун камерасига оқ сичқонлар киритилади, белгиланган вақтдан кейин улар олиб чиқилади ва тирик қолганларининг сонига қараб газсимон моддаларнинг захарлилик даражаси аниқланади. Иккинчи усулда тутун камерасига газсимон моддаларнинг таркиби ва миқдорини аниқлайдиган масс-спектрометр ёки ИК-Фурье спектрометри уланади. Газсимон моддаларнинг таркибидаги ҳар бир тирик организмларга захарли бўлган моддалар концентрацияси аниқланади ва умумий захарлилик ҳисобланади.

Полимер маҳсулотларидан тайёрланаётган қурилиш материаллари халқ хўжалигида тобора кўп ишлатилаётганлиги сабабли уларнинг ёнғинга бардошлиги масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Ёнғинга бардошлик деганда қурилиш конструкциялари ёки қисмларининг юқори ҳароратларга чидамлилиги ва юк кўтариш қобилиятини сақлаб қолишига айтилади. Полимерларнинг ёнғинга бардошлигини аниқлаш учун полимер материалининг намунаси стандарт ёнғин ҳароратида, яъни 750 °С да 20 минут давомида ушлаб турилади. Агар полимер материалининг намунаси 20 с давомида бир текис ёна бошламаса ва унинг юзасидаги ҳарорат 800 °С дан ошмаса у ҳолда полимер материали ёнмайдиган синфга киритилади. Ёнғинга бардошлик чегараси деб намунага ҳарорат таъсир қила бошлаган вақтдан бошлаб то полимер материалининг ўз хусусиятларини йўқотадиган вақтгача бўлган ораликга айтилади. Полимер маҳсулотларининг ёнғинга бардошлик кўрсаткичларини аниқлаш ва уларнинг ишлатилиш чегараларини белгилаш олдимизда турган долзарб муаммоларнинг яна биридир.

## БИНО ВА ИНШООТЛАРНИНГ КОНСТРУКЦИЯЛАРИГА ЁНГИНДАН ХИМОЯ ҚОПЛАМАЛАРИ БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*ф.-м.ф.н., Ш.Атабаев (ИИВ ЁХОТМ)*

Маълумки, жуда кўп корхоналарнинг қурилиш конструкцияларига (асосан металл ва ёғочдан қилинган) ёнгиндан ҳимоя қопламалари билан ишлов берилади. Ҳозирги вақтда бутун дунёда асоси органик полимерлардан ташкил топган ёнгиндан ҳимоя қопламалари кенг ишлатилаёпти. Одатда ёнгиндан ҳимоя қопламаларининг эффектив ҳимоя қилиш муддатлари уларнинг техник шартларида кўрсатилган бўлади ва бу муддат бир неча ўн йилларни ташкил қилади. Ишлов берилган металл ёки ёғоч конструкцияларининг ёнгин вақтида муддатидан олдин ўз юк кўтариб туриш қобилиятини йўқотиши ёки қулаб тушишини олдиндан аниқлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари охирги вақтларда Республикаимизнинг бир қатор илмий муассасаларида ва шу қаторда Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам янги таркибдаги ёнгиндан ҳимоя қопламалари яратилди. Вақт ўтиши билан бу қопламаларнинг ўз хусусиятларини йўқотишини ГОСТ 9.40191 Единая система защиты от коррозии и старения. Покрытия лакокрасочные. Общие требования и методы ускоренных испытаний на стойкость к воздействию климатических факторов стандарти бўйича текшириб кўриш мумкин. Бу стандарт бир қатор мамлакатларда амал қилади. Лекин бу стандарт Ўзбекистонда амалга киритилмаган.

ГОСТ Р 12.3.047-98 Система стандартов безопасности труда. Пожарная безопасность технологических процессов. Общие требования. Методы контроля (Россия) стандартида ёнгиндан ҳимоя қопламасининг яроқлилик муддати конструкциянинг ремонтгача бўлган ишлатилиш муддатидан ёки 10 йилдан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилган. Ушбу стандартларда баъзи бир ҳолатлар ҳисобга олинмаган, масалан қоплама суртилаётган асоснинг таркиби ёки қоплама билан ишлов берилган конструкциянинг қандай шароитларда ишлатилиши. Юқоридагиларни инобатга олиб асоси органик полимерлардан ташкил топган ёнгиндан ҳимоя қопламаларининг яроқлилик муддатларини аниқлаш долзарб муаммолардан бири эканлиги аён бўлади. Бу масалани ҳал қилиш учун аввало органик полимерлар асосидаги ёнгиндан ҳимоя қопламаларида уни яратилганидан тортиб, унинг қоплама тарзда ишлатилиши ва конструкцияларда то ўз хусусиятини йўқотганича бўлиб ўтадиган жараёнлар ва қонуниятлар ўрганилиши лозим. Бу борада қопламаларнинг таркиби, таркибни ҳосил қилган моддаларнинг иссиқлик таъсирида физик-кимёвий хусусиятларининг ўғариши қопламаларнинг яроқлилик муддатларига ўз таъсирини ўтказди.

Полимер моддаларнинг ёниш даражасини камайтириш услубларидан бири бу уларга антипиренлар қўшиш ҳисобланади. Натижада полимер тузилиши ўзгаради, иссиқлик таъсирида қопламада бўлаётган кимёвий жараёнлар ва қопламадаги ёнувчан моддаларнинг алангаланиши ҳамда ёниши бутунлай ўзгариб кетади. Қўшилаётган антипиренларнинг турига қараб қийин ёнадиган, қийин алангаланадиган, ўз-ўзидан ўчиб қоладиган, иссиқликка чидамли бўлган, кавариқланадиган ва бошқа турдаги қопламалар олинади. Кимёвий таркибига қараб полимерларга қўшилаётган антипиренларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Галоген сақловчи бирикмалар (таркибида хлор ва бром бўлади). Иссиқлик таъсирида ўзидан ёнмайдиган маҳсулотлар чиқаришади. Юқори ҳароратда ўз таъсирини йўқотади.

2. Фосфор сақловчи бирикмалар (фосфор кислотаси, тузлари). Иссиқлик таъсирида қоплама сиртида полифосфор кислотасининг шишасимон пленкасини ҳосил қилади ва конструкцияга иссиқлик ва кислород ўтишига тўсқинлик қилади.

3. Азот сақловчи бирикмалар (аммоний тузлари). Иссиқлик таъсирида ўзидан ёнмайдиган газлар ( $\text{CO}_2$ ,  $\text{N}_2$ ,  $\text{NH}_3$ ) чиқаришади.

4. Таркибида металл бўлган анорганик моддалар (оксидлар, гидроксидлар, алюминий, кальций, магний карбонатлар ҳамда каолин, гипс). Ҳарорат 400-500 С га етганда улар карбонат ангидрид ва сув буғи ажратиб чиқишади.

Баъзи бир ёнғиндан ҳимоя қопламаларининг таркибида юқорида кўрсатилган антипиренлар маълум бир миқдорларда аралаштирилиши ҳам мумкин. Бунинг натижасида қопламаларнинг ёнғинга ҳимоя таъсири ўзгаради ва шундай хоссаларга эга қоплама олиш мумкинки, у ёнғин вақтида ўз ҳимоя қобилиятини деярли йўқотмайди.

Ёнғиндан ҳимоя қопламаларининг хусусиятларини ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир қилиши мумкин:

- атмосфера ҳавоси ёки хоналардаги ҳаво таркиби;
- атмосфера ҳавосининг намлиги;
- қуёш нурунинг таъсири;
- ўзгарувчан ҳарорат таъсири;
- ҳар хил суюқ ёки газсимон моддаларнинг таъсири;
- электрокимёвий, биологик, биокимёвий емирилиш ва таъсирлар. Бу таъсирлар натижасида қопламаларнинг хусусиятлари бутунлай ўзгариб кетиши мумкин.

Ёнғиндан ҳимоя қопламаларнинг яроқлилиқ муддатларини аниқлаш қуйидаги иккита услуб ёрдамида амалга оширилади:

1. ГОСТ 9.40191 талаблари бўйича тезлаштирилган климатик текширишлар.

2. Табиий шароитда вақт ўтиши билан қопламаларнинг хоссаларини ўзгаришини ўрганиб бориш.

Лаборатория шароитларида эса қопламаларнинг хоссаларини текшириб кўриш қуйидаги стандартлар бўйича амалга оширилади:

1. ГОСТ Р 53292-2009. Огнезащитные составы и вещества для древесины и материалов на её основе. Общие требования. Методы испытаний.

2. ГОСТ Р 53295-2009. Средства огнезащиты для стальных конструкций. Общие требования. Метод определения огнезащитной эффективности.

## **ПОЛУЧЕНИЕ ОГНЕСТОЙКИХ СОСТАВОВ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО МИНЕРАЛЬНОГО СЫРЬЯ И ИЗУЧЕНИЕ ИХ ВЛИЯНИЯ НА ПАРАМЕТРЫ ПОЖАРОБЕЗОПАСНОСТИ ДРЕВЕСИНЫ И ЦЕЛЛЮЛОЗОСОДЕРЖАЩИХ МАТЕРИАЛОВ**

*д.т.н., Курбанбаев Ш.Э., Досчанов М.Р. (ВТШПБ МВД)*

На сегодняшний день сведения о средствах и способах огнезащиты строительных материалов на различной основе, в том числе на основе древесины и целлюлозосодержащих материалов, которые нашли свое практическое применение в мировом рынке огнезащитных материалов исчерпывающий. Тем не менее, проблема обеспечения огнестойкости для различных видов строительных материалов остается актуальной. Так как используемые, в основном, огнезащитные составы имеют ряд недостатков, одним из которых их низкая стойкость атмосферным явлениям и сравнительно малый срок эксплуатации.

Выбор антипиренов и огнезащитных составов с требуемыми свойствами, отвечающих атмосферным условиям нашего региона у нас невелик и имеют ряд недостатков, одним из которых является то, что используемые огнезащитные средства имеют сравнительно низкий срок эксплуатации и в основном не смотря на дороговизну часто на практике применяются огнезащитные средства импортного производства.

В настоящее время одним из основных направлений технического прогресса в мире является переход к безотходным и энергосберегающим технологиям, так как предъявляются ужесточающиеся требования к защите окружающей среды. В полной мере это относится и к проблеме применения строительных материалов на полимерной основе, которые в основном

являются, горючими которые при горении в основном выделяют на окружающую среду ядовитые продукты разложения полимера.

Одним из часто используемым материалом для производства различных видов строительных материалов в нашей республике является древесина и другие виды целлюлозосодержащих материалов. Поэтому проблема повышения пожарной безопасности строительных материалов на основе древесины и целлюлозосодержащих материалов является актуальным.

Одним из путей решения указанных проблем является получение инертных и огнестойких составов на основе местного минерального сырья и введением их в состав полимерного материала или обработкой ими строительных материалов джостич снижения например, коэффициента дымообразования, придание свойства трудногорючести или снижения скорости распространения пламени по поверхности этих материалов.

В Научно-исследовательском центре по проблемам пожарной безопасности Высшей технической школы пожарной безопасности проводятся исследования совместно с научно-исследовательскими институтами АН РУз по получению и изучению новых антипиреновых составов, огнестойких материалов и покрытий на основе местного минерального сырья и отходов промышленности. Одним из таких направлений в этой области является получение огнестойких составов с применением в качестве связующих, например, водорастворимых полимеров, натриевое жидкое стекло, водные растворы силикатов данные о строении и свойствах которых имеется в литературе.

Основными компонентами получаемых огнестойких материалов являются вышеприведенные связующие, инертные и минеральные добавки, азотсодержащие соединения-мочевина и антипирены, например, фосфор-и азотсодержащие соединения, а также отходы тепловых электростанций и Кунградского содового завода.

В качестве основных компонентов придающих композицию огнестойких свойств исследуется влияния и инертных наполнителей, таких как тальк, каолин, бентонит и вермикулит. При определенных соотношениях и условиях получены образцы, пресматериалов которые, затем исследовались на определения основных пожарно-технических характеристик строительных материалов.

Исследовались влияния полученных инертных огнестойких составов на горючесть образцов пресматериалов микрокристаллической целлюлозы (МКЦ представленные ИФХП АН Республики Узбекистан). Ниже в таблице приведены табличные данные экспериментального определения потери массы на установке "Трубчатая печь ИСО" по ГОСТу 12.1.044 – 89.

№	М образца до испытания, г	М образца после испытания, г	Потеря массы %	Т печи, до введения образца, °С	Время горения, сек	Т печи, при начале горения образца, °С	Т в середине образца, при начале горения, °С	Время до полного потухания, сек	Примечание
1	14,8	6,1	59	315	-	-	-	-	
2	13,1	11,0	16	320	87	380	130	30	
3	14,2	4,9	65	321	600	400	340	Не сгорел	тление
4	16,0	6,0	63	322	200	380	140	287	
5	10,7	2,6	76	317	110	390	140	280	дымится

Из табличных данных можно вывести заключение, что образцы № 2 и №3 можно отнести к группе трудногорючим.

Таким образом, полученные предварительные данные по исследованиям основных пожарно-технических характеристик образцов целлюлозосодержащих материалов


показывает эффективность и целесообразность проводимых исследований по этому направлению.

## МЕТОДЫ ПОЛУЧЕНИЯ ДИФТОРПОЛИСИЛОКСАНОВЫХ АНТИПИРЕНОВ НА ОСНОВЕ ГЕКСАФТОРСИЛИКАТА ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ ОГНЕСТОЙКОСТИ СТРОИТЕЛЬНЫХ МАТЕРИАЛОВ

*Курбанова М.А., Исмаилов Р.И., Валеева Н.Г. (ТГТУ)*

Последние время среди кремнийорганических соединений наибольший интерес представляет группа продуктов, имеющих в своем составе два и более атома азота, фосфора, галогена и различных групп - производные аминов, эпоксидов, галогенидов, а так же др. или карбоновых групп. Данные соединения позволяют синтезировать как линейные, так и гетероциклические продукты, использование которых очень часто приводит к получению материалов с уникальным комплексом свойств [1].

В литературах отмечается [2], что применение универсального метода Гриньяна для получения кремнийорганических соединений способствовал быстрому развитию производства силиконов, в которых можно алкилировать соединений кремния: галоид-алкоксисиланы и фторосиликаты приведенной по следующим уравнениям.




Приведенные данные, показывают возможность получения полисилоксанов на основе гексафторосиликатов взаимодействием с различными R -функциональными группами.

В работе предлагается, метод получения дифторполисилоксана на основе гексафторосиликата, которые синтезировано взаимодействием гексафторосиликата натрия с стеариновой кислотой в водно-спиртовой растворе.

Синтез проводится при температуре от 343 К до получения однородной массы. Полученный олигомерный продукт, имеет следующие характеристики: представляет собой однородный порошок белого цвета, средняя молекулярная масса 1300-1600, нелетучий, содержащий основной компонент 67,5 % от теоретического расчета.

Предполагаемая формула полученного дифтордикарбосилоксана представлено ниже:



После второй стадии реакции мономер дифтордикарбосилоксан при выше данной температуре начинается реакция полимеризации. При сравнении экспериментально определенного и теоретически рассчитанного элементного состава синтезированного дифтордикарбополисилоксана (%): С-61,04; Н -9,10%; О-23,45% Si-3,7%; F-15,89%, теоретический рассчитанного элементного состава продукта полученного взаимодействием гексафторосиликата натрия с стеариновой кислотой, также подтверждены методом анализа ИК- спектра. Полученные соединения характеризуются данными элементного анализа и ИК-спектроскопией. В полученных ИК- спектрах этих соединений имеются интенсивности полосы поглощения О-Si-O группы в области 1121,1020 и 1003 см<sup>-1</sup>, средней интенсивности поглощения Si-F группы в области 981, 922 см<sup>-1</sup>. Наличие в ИК спектрах полосы 1632,1643 и инфлексии 1672 см<sup>-1</sup> свидетельствуют группы С=О.

Из приведенной рис. определяется значения эффективной теплоты сгорания для исходного ПЭНП и ряда модифицированных полиолефинов на его основе совпадают и равны ~21 МДж/кг, что свидетельствует о твердофазном характере гашения пламени.




Рис. Зависимость скорости тепловыделения от времени сгорания образцов

Исследование горючести полученных полиолефинов согласно ГОСТ 21207-81 показало, что введение в ПЭНП всех разработанных антипиренирующих систем приводит к уменьшению времени остаточного горения приведены в табл., по этому параметру наиболее эффективным огнегасящим составом оказался ПЭНП+АП-6. Так, время остаточного горения полиолефина, модифицированного кремнийсодержащим антипиреном АП-6, не превысило чем существующий контрольный антипирен CESA™-flam PE 41329/A, что позволяет отнести композит на основе гексафторсиликата натрия с стеариновой кислоты с ПЭ к категории трудногорючих материалов.

Таблица

Горючесть композитов на основе ПЭ с кремнийсодержащими олигомерными антипиренами

№	Образцы	Время	Температура	Кислородный
1.	ПЭ без стабилизатора	180	343	18
2.	ПЭ +1% АП-6	76	437	29
3.	ПЭ +1% CESA™-flam	96,6	434	27,5

Как показали исследования огнестойкости полученных композитов, олигомерная композиция полиэтилена с антипиренами приводит к синергетическому эффекту. При горении образуется на поверхности защищаемого полимера коксовый слой, а аддукт мочевины с ортофосфорной кислотой - вязкий вспененный слой за счет образования фосфорной (полифосфорной) кислоты, при этом создается физический барьер, задерживающий диффузию кислорода из внешней среды к зоне горения, а также сдерживающий выход летучих продуктов деструкции наружу.

Таким образом, полученный продукт дифтордикарбополисилоксана вполне возможен соблюдение режима реакции и мольное соотношение реагентов, которые могут применяться в строительной промышленности, как галогенсодержащие антипирены [3], фотостабилизаторы, антиоксиданты в медицине и т.д. Среди огнестойких и термостойких стабилизаторов особое место занимают галогенпроизводные полимеры. В отличие от других антипиренов эти соединения являются более сильными, имеют высокую термическую устойчивость, обладают хорошими эксплуатационными свойствами и защищают полимер от термо- и фотодеструкции, что определяет их практическую ценность.

Литература:

1. Хорошавина Ю.В., Николаев Г.А., Лобков В.Д., Кормер В.А. Патент RU (11) 2101286. Метил(гексафторалкил)дихлорсиланы для получения термо- и маслбензостойких фторсодержащих силоксановых полимеров.1998.
2. Бажант В., Хваловски В., Ратоуски И. Силиконы. Кремнийорганические соединения, их получение, свойства и применение. Москва, 1960, С.58-59.
3. Kurbanova M.A., Djalilov A.T., Tillaev A.T., Ismailov I.I., Mirzaev U.M. Updating agnatic-emulsion paints fluorine contain organosilicon. //5<sup>th</sup> conference "Applied sciences and

technologies in the United States and Europe: common challenges and scientific finding”. -New York, 2014. p.173-176.

4. Курбанова М.А., Тиллаев А.Т. Синтез модификаторов для создания термостойких покрытий на основе полисилоксанов. //Роль полимерных материалов в инновационном развитии промышленности. Респ.науч. и науч.-тех.конф. Ташкент, 2014. С.26-27.

## **ПОЛИМЕР ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЁНГИНГА ХАВФЛИЛИГИ**

*к. ф.н., доцент Й.М.Махсудов., магистр А.Х.Мардонов (ТКТИ)*

Ҳаммага ҳам кундалик ҳаётдан маълумки, синтетик материаллар борган сари турмушимизга ва техникага (биз бу ерда қурилиш техникасини кўзда тутяпмиз) кўплаб кириб бормоқда. Бу ҳол синтетик материаллар учун хос бўлган ажойиб хусусиятлар-енгиллик ва етарли даражада мустаҳкамлик, кимёвий турғунлик, зангламаслик, кам едирилувчанлик, исталган рангдаги материалларни тез ва осон тайёрлаш мумкинлиги ва уларнинг санитария- гигиена талабларига жавоб беришлиги билан тушунтирилади.

Ҳозирги вақтда шундай полимер қурилиш материаллари яратилганки, улар пўлатдек мустаҳкам, шишадай тиниқ, резина каби эластик, момикдек енгил, слюдадек электр токи ўтказмайдиган, платинадек кимёвий барқарор материаллардир. Уларни ёғоч каби ишлаш, металл сингари пайвандлаш, қоғоз сингари елимлаш мумкин. Бундай материалларни пресшлаш, каландрлаш, босим остида қуйиш, маълум профилли тешиқдан сиқиб чиқариш (экструзия), штамплаш ва пуфлаш орқали уларга исталган шакл бериш мумкин.

Бекорга полимер ва пластмассалар ҳақида гап борганда уларни "чексиз имкониятларга эга бўлган материаллар" ёки "тенги йўқ материаллар" деб айтилмайди. Эндиликда кимё саноати маҳсулоти бўлган синтетик материаллардан кенг қўламда ва тобора кўпроқ фойдаланмай туриб, ҳозирги замон техникасини етарли даражада ривожлантириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда синтетик материалларнинг бир тури бўлган - пластмассаларга катта аҳамият берилмоқда.

Лекин ҳар бир ижобий нарсанинг салбий томони бўлганидек, пластмассаларнинг ёнишга бўлган мойиллиги уларнинг муҳим камчиликларидан биридир.

Ёнғин эса қўлланилиши ва амал қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлардан чекланиш натижасида содир бўладиган, ҳалқимизнинг ақл-идроки ва меҳнати билан бунёд этилган моддий ва маънавий бойликларни қисқа вақт ичида еру-кўкка совурадиган бахтсиз ходисадир.

Синтетик полимер ва пластмассалар асосида олинган қурилиш материаллари ишлатилган жойларда чиққан ёнғинлар, уларнинг фожиали оқибати тўғрисида чет эл ва ватанимиз ҳаётидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Мамлакатимизда ва жаҳон миқёсида кимё саноатининг айниқса пластмассалар ишлаб чиқаришни кенг тараққий эттиришга катта эътибор бериб келмоқда. Чунки пластмассалар ўзининг физик механикавий, кимёвий ва бир қатор бошқа хоссаларига кўра саноатнинг турли тармоқларида, шу жумладан қурилиш материаллари саноатида кенг қўлланилмоқда.

Давлат ҳужжатларида айтиб ўтилганидек, металл, ёғоч ва бошқа материаллар тежамли, қулай ва енгил синтетик материаллар билан тобора кўпроқ алмаштириб борилади.

Бунинг натижасида ҳалқ хўжалиги ҳар йили кўплаб аввалдан ишлатиб келинаётган табиий қурилиш материалларини (ёғоч, тунука, ғишт ва тош, металл, натурал алиф ва б.) тежаб қолиш имкониятига эга бўлади.

Масалан ҳалқ хўжалигида конструкцион материал сифатида ишлатиладиган ҳар бир тонна пластмасса туфайли ўрта ҳисоб билан 5,2-5,6 тонна пўлат ва чўян, 2,-2,7 т. алюминий, 5,2-5,7 т. оғир рангдор металллар, 3,1-4,7 т. ёғоч-тахта материаллар ҳамда 1,8-2,9 т. шиша материал тежаб қолинади.

Пластмассалар курилишда девор ва пол (ёғоч-қириндили, ёғоч-толали плита ва плиткалар, шиапластиклар, қоғоз-қатламли пластиклар, линолеум ва б.), иссиқлик ва товуш ўтказмайдиган материал (ҳар хил кўпик ва ғовак пластлар), узунасига ўлчанадиган буюмлар (трубалар, плинтуслар, тутқичлар, қистирмалар), томларга ёпиладиган, намлик ўтказмайдиган ва герматик материаллар, ҳамда санитария-гигиена буюмлари сифатида ишлатилмоқда. Масалан, курилиш экономикаси илмий-текшириш институти (НИИЭС) маълумотларига кўра курилишнинг у ёки бу жойида ишлатиладиган полимер материаллар миқдорини куйидагиларда кўриш мумкин (фоиз ҳисобида): пол материали - 16,5; юзаларни пардозлаш - 23,8; конструкцияларни иссиқликдан изоляция қилиш - 13,5; панел чокларни (тирқиш) беркитиш - 1,6; конструкция деталлари, узунасига ўлчанадиган буюмлар, елим, мастика ва бошқалар - 15,5; нам ўтказмайдиган ва том ёпмаси материаллари - 9,3; трубалар - 18,2; санитария-техника буюмлари-1,6.

Пластмассалар ва синтетик смолаларнинг бу қадар тез ўзига жой топиш сабабларидан бири шундаки, улар аввалдан ишлатилиб келинаётган курилиш материалларида учрамайдиган сифат ва кўрсаткичларга эгадирлар.

Аммо аксарият пластмассалар ёнғинга хавfli бўлиб, уларда температура маълум даражага етиши билан ёниб кетиш хавфи бор. Айрим пластмассалар ёнганда содир бўладиган қўшимча хавfliлик шундан иборатки, масалан, девор ва шипларни пардозлаш учун ишлатилган материаллар ёнғудек бўлса, полимер эриб, ерга ёмғир сингари оқиб туша бошлайди ва ёнишда давом этаверади. Натижада ёнғинни тез тарқалишига сабабчи бўлади. Одатда бундай кўнгилсиз ходисалар термопластик полимерлар ёнган вақтда содир бўлади.

Бундан ташқари кўпчилик пластмассалар ёниши натижасида жуда кўп куруқ тутун ва ёнғинга хавfli ҳамда захарли газлар ажралиб чиқади. Яна шу нарса маълумки, пластмассалар ёнувчанлигини камайтириш мақсадида уларга ҳар хил қўшимчалар қўшиб тайёрланган материаллардан таркибига ҳеч нарса қўшмай олинган материалларга қараганда чиқадиган тутун ва ислар миқдори кўп бўлади. Полимер курилиш материаллари (ПКМ) ёнган вақтда ажралиб чиқадиган захарли газ ва моддалар олинган полимер, тўлдиргичнинг тузилиши ва таркибига кўра ҳар хил бўлади. Масалан, карбон оксидлари, азот оксидлари, цианид, чумоли ва сирка кислоталари, сульфат ангидрид, галоидводород кислоталар, фосген, аммиак, фенол, бензол, сурьмали бирикмалар (ёнувчанликни камайтириш мақсадида таркибига сурьма бирикмалари қўшилган пластмассалар), изоцианатлар ва бошқалар.

Полимерлар асосида олинадиган пластмасса курилиш материалларининг сифатли бўлиши ва узоққа чидамлилиги, ёнишга хавфсиз бўлишлиги шу қўшиладиган моддаларнинг миқдорига ва уларни тўғри танлашга ҳамда курилиш нормалари ва қоидалари (СНүП-II А-5-70, СНүП-II М-2-72 ва б.) га амал қилишни талаб этади.

Курилишда ишлатиладиган пластмассаларнинг конструктив сифат коэффиценти ( $K_k$ ) юқори бўлади. Материалнинг конструктив сифат коэффиценти деб, унинг механикавий пишиқлигини ҳажмий оғирлигига бўлган нисбатига айтилади. Курилишда бу коэффицент миқдори юқори бўлган материалларни кенг қўламда ишлатиш бино оғирлигини камайтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг тўғри ҳал бўлишини таъминловчи омиллардан биридир. Бу кўрсаткичларга кўра пластмассалар бошқа курилиш материалларидан устун туради. Масалан, пишиқ ғишт учун  $K_k$  миқдори 0,02, оддий маркали бетон учун 0,06, Ст3 маркали пўлат учун 0,5, дур алюминий учун 1,6, шиапластикнинг турли маркалари учун 2,5-7,6 га тенг.

Пластмассаларнинг иссиқ ўтказувчанлик коэффиценти жуда кичик бўлади. Масалан, кўпгина пластмассаларнинг иссиқ ўтказувчанлик коэффиценти 0,2-0,6 ккал\м.соат.град. атрофида бўлса, ғоваксимон пластмассаларда эса у 0,26 ккал\м.соат.град. га тенг. Аксинча бу қиймат пўлат учун 50, оғир бетон учун 1,1-1,3, ёғоч учун эса 0,15 га тендир. Шунинг учун ҳам пластмассалар иссиқлик ўтказмайдиган материал сифатида кенг қўлланилади.

Энди полимер курилиш материалларининг камчиликлари ҳақида бироз тўхтаб ўтишни лозим деб топамиз. Улар куйидагилардан иборат:



1) Пластмассаларнинг кўпчилиги юқори температурага бардош бера олмайди: шунинг учун ундан тайёрланган буюмлар юқори температурада (алангаланиш температурасидан пастда юмшаб деформацияга учрайди. Лекин, кейинги йилларда асосий карбон атомлари занжирига бошқа элемент атомларини) масалан, кремний ва фтор атомини киритиш йўли билан юқори температурага чидамли полимерлар олинган. Улар 350-450°C гача ҳам ишлай олади.

2) Пластмассаларнинг юза қаттиқлиги кам. Тўлдиргичи толасимон бўлган пластмассалар учун Бринелл бўйича қаттиқлик - 25 кг\мм<sup>2</sup>, полистирол ва органик шиша учун 20, текстолит учун 35 бўлса, целлюлоза эфирлари асосида олинган пластмассалар (этрол)нинг юза қаттиқлиги бундан ҳам кичик бўлиб, у 4-5 кг\мм<sup>2</sup> ни ташкил этади. Ваҳоланки, пўлат учун бу қаттиқлик 450 кг\мм<sup>2</sup> га тенгдир.

3) Пластмассаларнинг иссиқликдан чизикли кенгайиш коэффициенти юқори. Масалан, пластмассаларда бу коэффициент 25-120·10<sup>-6</sup> бўлса пўлат учун фақат 10·10<sup>-6</sup> га тенг холос. Бу (камчилик қурилиш конструкцияларини лойиҳалашда албатта инобатга олиниши зарур).

4) Пластмассаларнинг салбий хоссаларидан яна бири уларда силжувчанлик (получесть) намоён бўлишидир. Полимерларда силжувчанлик температура ўзгариши билан жуда тез ўсиб боради.

Бу ҳолатни ҳам пластмассалардан буюмларни конструкция қилаётганда эътиборга олиш жуда зарур. Полимерлар вақт ўтиши билан юк, иссиқлик, намлик, ёруғлик ва ҳаво кислороди таъсири остида ўз хоссаларини аста-секин ўзгартириб боради; яъни у қаттиқ ва мўрт бўлиб қолади. Бундай ўзгариш жараёни “полимернинг эскириши” деб аталади. Лекин полимер таркибига махсус моддалар – стабилизаторлар қўшиш орқали пластмассаларнинг “умрини” бир мунча муддатга узайтириш мумкин.

5) Пластмассаларнинг қурилиш материали сифатидаги энг муҳим камчиликларидан яна бири уларнинг ёнишга мойиллиги ёки ўтга чидамаслигидир. Шунинг учун полимер қурилиш материалларини қурилиш конструкцияларида ва умуман қурилиш иншоотларида уларнинг ўтга бўлган муносабати ва заҳарли тутун чиқишини ҳисобга олмай ишлатиш, хавфли вазиятга ва ёнғин ҳодисаларига олиб келиши муқаррардир. Бунда кўплаб киши жароҳатланиши ва халқ хўжалиги катта иқтисодий зарар кўриши мумкин. Аммо бу камчиликлар пластмассаларнинг қурилиш материаллари сифатидаги самарадорлигини ҳеч бир камситмайди. Улар айрим технологик жараёнларда меҳнат ҳажмини кескин камайтириш имконини беради ва ҳозирги замон индустриал қурилиш ишларида муҳим роль ўйнайди.

Полимер қурилиш материаллари ёнган вақтда ажралиб чиқадиган заҳарли газ ва моддалар, карбон оксидлари, изоцианатлар, галоидводородлар ва бошқалар ёнғинни ўчиришда ўт ўчирувчиларга тўсқинлик қилибгина қолмай, балки уларни заҳарланишга, турли касалликларга учрашишига, олиб келиши мумкин.

Энди қурилишда ишлатиладиган пластмассаларнинг ёнғинга бўлган хавфлилиги, ёнувчанлиги ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтамыз.

*Қурилиш пластмассалари ва уларнинг ёнғинга хавфлилиги.*

Пластмассалар ва улар асосида олинадиган қурилиш материалларини ёниши катта ёки кичик ҳажмда ёнғин содир бўлишига олиб келади. Пластмассалар асосидаги буюм ва материаллардан халқ хўжалигининг турли тармоқларида, шу жумладан қурилиш соҳасида кенг фойдаланиш уларни ёнғинга бўлган мойиллигини ҳисобга олишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам оддий ва мураккаб таркибли полимер қурилиш материалларини қўллашдан аввал уларни иссиқлик таъсиридан физик-механикавий, кимёвий ўзгаришлари, алангаланиш ва ўз-ўзидан ёниб кетиш каби хоссаларини ўрганишни тақозо этади. Келажакда ёнғин бўлмаслиги учун, қурилиш норма ва қоидаларига асосан огоҳлантирувчи тадбир-чоралар ишлаб чиқилган ва уларни амалда қўллаш зарур бўлади.

Полимер қурилиш материалларида ёниш жараёнини тўрт босқичга бўлиш мумкин. Лекин бу босқичлар орасига кескин чегара қўйиш анча мураккабдир.

Биринчи босқич. Полимер қурилиш материаллари ёниш жараёнини бу босқичида олов манъбасидан ўзига иссиқлик энергиясини аккумуляция қилади. Бунда материал

температурасининг ошиш тезлиги, иссиқлик ўтказувчанлик ва иссиқлик сиғимига боғлиқ бўлади.

Иккинчи босқич. Бу босқичда (температура 200-400<sup>°C</sup>) термик деструкция бошланади, у хар хил кимёвий боғларнинг узилиши билан боради. Деструкция тезлиги, одатда температура ва кимёвий боғни табиатига боғлиқ бўлиб, у биринчи навбатда бўш боғларни узилиши хисобига кетади.

Учинчи босқич. Ёниш жараёнини учинчи босқичи, газ ҳолатида ажралиб чиқаётган пиролиз маҳсулотларини оксидловчи модда иштирокида алангаланиши билан характерланади. Бу ҳолат СССР (Совет) фанлар академиясининг академиги Н.Н.Семенов бошчилигидаги олимлар коллективи томонидан жуда яхши ўрганиб чиқилган. Алангаланиш эса полимер қурилиш материалларининг кимёвий таркиби ва молекуляр тузилишига боғлиқ бўлади. Масалан, молекуляр тузилишида алифатик занжирли ҳамда оддий ва мураккаб эфир гуруппалари бўлган полимерлар осон алангаланади. Тармоқланган молекулали, халқасимон ва тўрсимон тузилишли ҳамда таркибида ноорганик элементлар (галогенлар, азот ва фосфор) бўлган полимерлар эса қийин алангаланадиган бўлади.

Тўртинчи босқич. Ёниш жараёнининг бу босқичи газ ҳолатдаги пиролиз маҳсулотларини ёниши билан характерланади. Бунда реакция вақтида ажралиб чиқадиган иссиқлик полимер парчаланишини янада тезлаштириб юборади. Натижада ажралиб чиқаётган газлар ёнғинни тез тарқалиб кетишига сабабчи бўлади.

Галогенли бирикмалар полимер қурилиш материалларинг баъзи хоссаларини камайтиришдан қатъий назар, уларни ўтга чидамлилигини бир мунча оширишга ёрдам беради.

Полимер қурилиш материалларини бири яхши ёнса, иккинчиси қийин ёнади ёки алангаланади. Шундай пластмассалар, материаллар борки, улар олов манбаидан олиниши билан бирга дархол ёнишдан тўхтайдди, айримлари эса ёнишни давом эттираберилади.

Полимер қурилиш материалларидан тўғри фойдаланиш ва уларни ўз жойида ишлатиш учун лойихачи ва қурувчи-бинокор инженерлар пластмассани ёнувчанлигини ва қай даражада ёнишини яхши билишлари лозим.

Энди ҳозирги замон турар-жой, жамоат ва саноат бинолари қурилишида кенг қўламда борган сари кўплаб қўлланилаётган ва амалга оширилаётган пластмасса турбаларнинг ёнғинга хавфлилиги ҳақида қисқача тўхтаб ўтаимиз.

Пластмасса трубалар (винипласт трубалардан ташқари) нинг ҳаммаси ёнишга мойил материалдир. Винипласт трубалар эса қийин ёнадиган материаллар группасига кириб, улар ёнганда ажралиб чиқадиган водород хлорид газли труба ёнишига ва алангаланишига тўсқинлик қилади. Олов манбаидан олинган винипласт трубалар дархол ўчади ва туташдан тўхтайдди. Полиэтилен трубалар ҳам олов манбаидан тезда ўт олиб кетади. Оловли эриган полиэтилен томчилари пастга оқиб туша бошлайдди ва бунда ёнадиган материаллар бўлса, уларни ҳам ёндириб, ёнғинни тарқалишига сабабчи бўлади.

Агар труба ичидан сув оқиб ўтаётган бўлса, унинг алангага яқин жойигина ёниши мумкин, холос. Бошқа жойларига эса ёнғин тарқалмайди. Пластмасса трубаларнинг ёнғинга хавфлилиги ва ёниш жараёнида ажралиб чиқадиган моддаларнинг захарли бўлишини хисобга олиб, уларни фақат ёнмайдиган конструкциялар билан беркитилган шахта ва қутилар ичидан ўтказиш тавсия этилади.

Пластмасса трубаларнинг камчилиги температура ортиб бориши билан уларда хар хил деформатик ўзгаришларнинг вужудга келади. Шунинг учун ҳам бундай трубаларни иссиқлик берувчи манбалар ва юқори температурали трубопроводлар ва аппаратлар яқинида ўрнатиш тавсия этилмайди. Акс ҳолда пластмасса трубалар юмшаш температурасигача исиши ва бутун системани ишдан чиқариши мумкин.

ПВХ ва тальк, каолин (тўлдиргичлар) асосида тайёрланадиган хар хил узунасига ўлчанадиган буюмлар - плитуслар, тутқичлар, зина, зинапоаялар учун уст қўймалар, чорчўп (наличник) ва бошқаларга келганимизда улар қийин ёнадиган материаллар группасига

киради. Иссиқлик бериш қобилияти 3200-3500 ккал/кг атрофида бўлади. Чиққан ёнғин сув ва кимёвий кўпик ёрдамида ўчирилади.

Ўт олишни секинлатувчи қўшимчалар киритиш ҳақида полимерларни ўтга чидамлилиқ хоссасини ошириш учун уларнинг таркибига минерал ва органик моддалар киритиш прогрессив усуллардан биридир. Полимер материаллар фақат ўтга чидамли бўлибгина қолмай, шу билан бирга уларнинг механик хоссалари ҳам яхшиланади. Қўшиладиган минерал моддаларга бўр, кремнезем, бура  $\text{Na}_3\text{V}_4\text{O}_7$  глинозем, магний ва сурьма оксидлари, аммоний хлорид, алюминий (III)-оксид, аммоний гипофосфат, натрий ва калий силикатлар, рух ва кальций, аммоний гидроксид, асбест уни, литопон, каолин, тальк, рух оксиди ва кальций сульфат каби моддаларни кўрсатиш мумкин.

Органик моддалардан эса таркибига галогенлар ( $\text{I}_2$ ,  $\text{Br}_2$ ,  $\text{Cl}_2$ ) ва фосфор бўлган кўпгина органик моддалар полимерлари ўтга чидамлилигини оширишда азалдан кўплаб ишлатилмоқда. Уларга мисол қилиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: хлорланган парафин (60-80 фоиз) ёки унинг сурьма (III)-оксиди билан аралашмаси, трикрезилфосфат, трихлорэтилфосфат, тетрабромбензол, пентабромтолуол, трибромфенол, гексахлорциклогексан ва бошқалар.

Аммо булар ичида энг кўп ишлатиладигани ва яхши ўрганилгани хлорланган парафиндир. Бунда материалнинг ўтга чидамли бўлишига сабаб шуки, юқори температурада органик моддалар қўшилган полиолефинлардан ажралиб чиқаётган хлор ёниш жараёнига тўсқинлик қилиб туради.

Юқорида баён этилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки ПҚМ нинг ўтга чидамлилигини ошириш муҳим актуал масаладир. Бу материалларнинг физик-механикавий, эстетик кўрсаткичларини ошириш билан бирга уларга қийин ёнувчанлик ёки бўлмаса қийин алангаланадиган хусусиятларини бериш ва уларни ишлатиш соҳасини янада кенгроқ бўлишини таъминлайди. Бунда полимерлар таркибига антипиренлар, фосфор, галоид таркибли моддалар қўшиш билан материал таннархи бироз ошиши мумкин. Лекин пировард натижада бино ва иншоотлардан фойдаланиш даврида чиқиши мумкин бўлган кичик ёнғинлар материалларни ўзи томонидан бир жойдан нарига ўтказмаслиги туфайли сарф бўлган харажатлар ўз ўрнини қоплайди.

## **АҲОЛИ ВА ХУДУДЛАРНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИК ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

*п.ф.н., С.И.Хусанова, Н.Ю.Саидханова (ФВВ ФМИ)*

Маълумки, Республикаимизнинг катта қисми сейсмик фаол ҳудудда жойлашиб, ўзига хос геологик, гидрогеологик ва иқлим хусусиятларига эга. Шу омилларнинг ўзигина бинокорликда лойиҳаларнинг мукамаллигини, қурилишнинг ишончли ва сифатли бажарилишини, аҳолининг хавфсизлигини ҳамда иқтисодиёт объектларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида эксплуатациядаги бино ва иншоотларни техник ҳолатини меъёрий даражада сақлашдек муҳим масалаларни кўяди.

Муҳандислик муҳофазаси-фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш, аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилишга, мамлакат иқтисодиётига етадиган зарарни камайтиришга қаратилган муҳандислик техник чора тадбирларининг мажмуасидир.

Давлатимиз биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобининг "экологик муаммолар" қисмида жумладан шундай деган: - "шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган, ҳозирги замон урбанизациясининг барча салбий оқибатларини бартараф этадиган тизимини жорий этиш йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиш зарур".

Бугунги кунда иккита масалага, биринчидан шаҳардами, қишлоқдами, саноат биносими ёки тураржой биносими қурилаётган бино ва иншоотларимизни уларнинг катта кичиклиги ёки аҳамиятидан қатъий назар назорат остида бўлишига эришиш, иккинчи масала эса, мавжуд қурилиш фондимизни хавфсиз сақлаш мақсадида уларни техник ҳолатини баҳолаб туриш зарур.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари, қурилиш меъёрий қоидаларида баён этилган талаблар иқтисодиёт объектлари, аҳоли яшаш жойларида, муҳандислик тизимлари ва ҳ.к. режалаштирилиши ва жойлаштирилишида бажарилиши лозимлиги, натижада фалокат, ҳалокат ва табиий талофатлар содир этган фавқулодда вазиятдан иқтисодиёт объектлари, аҳоли яшаш жойларида, муҳандислик тизимлари муҳофаза қилинишини, шунингдек уларнинг фавқулодда вазиятларда барқарор ишлашини таъминланиши демакдир.

Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари меъёрларининг вазифалари ва талаблари Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вазифаларига, хусусан мамлакат аҳолиси, ҳудуди, республика миллий бойлиги бўлган объектларни муҳофаза қилиш, шунингдек фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш соҳасидаги тадбирларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқишни ташкил этиш ва амалга оширишдаги вазифаларига батамом мос келади.

Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари меъёрларининг ҳамма талаблари қуйидагиларга қаратилган:

1. Аҳолини муҳофаза қилиш.
2. ФВ келтирадиган зарарни камайтириш.
3. Иқтисодиёт объектлари, бирлашмалар, иқтисодиёт тармоқлари ишлаши барқарорлигини ошириш.
4. Табиий офат ҳудудларида қутқариш ишлари ўтказиш учун керакли шароит яратиш.

Ушбу меъёрларнинг хусусан қуйидаги талаблари Ўзбекистон ҳудудида фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларини лойиҳалаш ва ўтказишда бажарилиши керак:

1. Иморат ва иншоотларни лойиҳалашда ҚМҚ 2. 01.03.-96 -"Зилзилавий ҳудудларда иморат ва иншоотларнинг қурилиши" ҳамда ҚМҚ 2.01.09.-97-"Ўта чўқувчан грунтларда ва ер ости ишловдаги ҳудудларда бино ва иншоотлар" талабларига риоя қилиниши керак.

2. Фуқаро муҳофазаси муҳандистик-техник тадбирларининг ҳажми ва мазмуни фуқаро муҳофазасидаги шаҳарларнинг гуруҳларига ва иқтисодиёт объектларининг тоифаларига қараб, ишлаб чиқаришдаги эҳтимоли бор йирик авариялар, ҳалокатлар ҳамда табиий офатлар кўламини ҳисобга олиб белгиланади.

3. Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари олдиндан ишлаб чиқилиши ва ўтказилиши керак. Таснифи жиҳатдан олдиндан амалга ошириш иложи бўлмаган тадбирлар махсус вақтда мумкин қадар қисқа муддатда ўтказилиши керак.

Иқтисодиёт тез ривож топишида республика ҳудудида саноат ишлаб чиқариш объектларини жойлаштирилишининг аҳамияти катта бўлиб, бу фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни ташкил этишда яхши таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт объектларини бўлиб-бўлиб жойлаштириш ишлаб чиқариш сийрак жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда саноат зичлиги юқори жойларда янги иқтисодиёт объектлари қурилишини чеклаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Шаҳарларни фуқаро муҳофазаси талабларини ҳисобга олиб режалаштириш вайронликлар эҳтимолини, натижада одамлар талофатини камайтиришга ёрдам беради. Меъёрларда баён этилган фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари янги туманлар қуришда, эскиларини қайта таъмирлашда ҳисобга олиниши керак.

Фуқаро муҳофазасида муҳандислик-техник тадбирлари асосан қуйидаги ҳолларда ҳисобга олинади;

а) Ўзбекистон Республикаси иқтисодий районларида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда тарқатиб қўйиш чизмасини тузаётганда;

б) саноат тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштириш чизмасини тузаётганда;

- в) туман режалаштирилиши чизмасини ва лойихасини тузаётганда;
- г) шаҳарлар ва кишлоқларни режалаш ва қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқаётганда;
- д) шаҳарлар (туманлар)даги саноат зоналарини режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқаётганда;
- е) корхоналарда муҳофаза иншоотлари бўладиган иморат ва иншоотларни лойиҳалашда.

Ишлаб чиқилган тадбирларнинг ҳажми ва ўтказиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши режасида белгилаб қўйилади.

Шаҳар ва кишлоқларда, шунингдек ишлаб турган, қуриб битказилган ва қайта таъмирланмайдиган корхоналарда фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари ўша шаҳар ва кишлоқларни режалаштириш ва қуришнинг, корхона, иморат ва иншоотларининг лойиҳалари (ишчи лойиҳалари) учун маҳаллий ҳокимликларнинг Фуқаро муҳофазаси бошқармалари билан албатта келишилган ҳолда, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқлаган Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларининг алоҳида ишлаб чиқиладиган бўлимларига асосан бажарилиши керак.

Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари назарда тутилмай тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида қурилаётган корхоналар учун шу корхоналарнинг Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси белгилаб қўйган тартибда тасдиқланадиган сметаси бор лойиҳаларида (ишчи лойиҳаларида) алоҳида бўлими ишлаб чиқилиши керак.

Иқтисодиёт тармоқлари ва объектларида фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирларини лойиҳалаш ҚМҚ талабларига ҳамда вазирликлар, идоралар, Давлат қўмиталари Ўздавархитектқурилиш, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилиб ишлаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Хусусан, ёнғинларни олдини олиш мақсадида қуйидаги муҳандислик-техник тадбирлари амалга оширилади:

Заҳира чиқиш йўллари шай ҳолда сақлаш, сув ҳавзаларини тайёрлаш, қаватларга сув кранларини ўрнатиш, объект ҳудудида сув гидрантларини ўрнатиш, ёнғин хавфи мавжуд асбоблар яқинига автоматик ўт ўчириш тизимларини ўрнатиш, цистерналарни устига ўт ўчириш (кўпик пурковчи), совутиш ускуналарини ўрнатиш, эвакуация чизмасини ишлаб чиқиш, локал хабарлаш тизимини жорий этиш.

Тажрибада кўрсатишича, Фуқаро муҳофазаси муҳандислик-техник тадбирлари қурилиш лойиҳаланаётганда назарда тутилса ва жорий этилса, шундагина улар самарали ва иқтисодий мақбул бўлади. Чунки шунда моддий ресурслардан, молия харажатларидан самарали фойдаланишга, шунингдек ўтказиладиган фуқаро муҳофазаси тадбирларининг иқтисодиёт объектлари вазифалари билан узвий боғланиб боришига эришилади.

## **ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИКГА ЭГА БЎЛГАН КЎПИК ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ МОДДАЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

*к.ф.д., профессор А.Т.Джалилов, Ф.Н.Нуркулов (ТКТТИ),  
т.ф.н., доцент И.И.Сиддиқов, С.Қ.Жумаев, курсант Ж.И.Иминжонов (ИИБ ЁХОТМ)*

Дунё бўйича йилига 8 млн атрофида ёнғинлар содир бўлиб, бу ёнғинлар натижасида 90 мингга яқин инсонлар ҳалок бўлмоқда. Ҳалок бўлаётган инсонларнинг 90% турар-жой ва жамоат бинолари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида содир бўлган ёнғинларга тўғри келмоқда [1].

Ёнғинлар натижасида 20% дан ортиқ бино ва иншоотлар фойдаланиб бўлмас ҳолатга келади. Албатта, бино ва иншоотларда содир бўлган ёнғинларни ўз вақтида бартараф қилиш мақсадида бир қанча кимёвий воситалар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг ичида кўпик (сирт-

актив модда) ҳосил қилувчи бирикмаларнинг ёнғинга қарши самарадорлиги юқори ҳисобланади.

Ёнғинларни ўз вақтида бартараф қилиш мақсадида ишлатиладиган кимёвий воситаларни ишлаб чиқариш дунё миқёсида 2016 йил давомида 5,4% га ошди. 2017 йилда эса 6,8% га ошиши соҳа мутахассислари томонидан таҳлил қилинмоқда [2].

Сўнгги йилларида республикамызда мавжуд бино ва иншоотларда қўлланилиши учун турли таркибли оловбардош қурилиш материаллари олиш ва тайёрлашда ҳамда полифункционал таъсирга эга органик модификаторлар қўллаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, муаллифларнинг саъй-ҳаракати билан турли объектларда ёнғинларни ўчиришда қўлланиладиган сифатли кўпик ҳосил қилувчи бирикмаларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш борасида муайян натижаларга эришилди.

Маълумки, кўпиклар-ёнғинни ривожланишини фаол пасайтирувчи юқори самарадорликга эга бўлган кимёвий восита ҳисобланади. Ёнғиндан химояловчи кўпикларнинг асосий хоссалари уларнинг дисперслиги ва барқарорлиги ҳисобланади.

Стандарт ҳолдаги сирт-актив моддалардан асосан ёнғинларни ўчириш учун мўлжалланган кўпиклар олишда фойдаланилади. Уларнинг сувли эритмасида асосан 25-30% сирт фаол моддалар, шу билан бирга айрим хусусиятга эга бўлган қўшимчалар мавжуд бўлади. Кўпик ҳосил қилувчи моддаларни олиш ва тадбиқ қилиш маҳаллий шароитда ўта муҳим амалий муаммолардан бири ҳисобланади [3].


Кўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг кўриниши ва техник хоссалари, ёнғинларни тезда ўчиришда катта аҳамият касб этиб, улар стандарт ва ГОСТ талабларга мос бўлиши шарт, албатта.

1-жадвал

Модификацияланган ёнғиндан химояловчи кўпикларнинг барқарорлигини аниқлаш

Таркиби	Кўпикларни барқарорлиги, мин
Сибиряк Универсальный – Терминус	15
Мультипена – Огнебиощит	12
Алькилсульфонат натрий – АДж-1	10
Алькилсульфонат натрий – АДж-2	15
Алькилсульфонат натрий – АДж-3	10
Алькилсульфонат натрий – АДж-4	14
Алькилсульфонат натрий – АДж-5	18
Алькилсульфонат натрий – АДж-6	14

Модификацияланган ёнғиндан химояловчи кўпикларни барқарорлигини аниқлаш



Муаллифлар томонидан яратилган кўпик ҳосил қилувчи моддалар асосан алькилсульфонат натрий асосида олинган бўлиб, унга турли қўшимчалар қўшиш орқали самарадор хоссалар оширилди ва хориждан келтирилган шу турдаги кўпик ҳосил қилувчи

моддалар билан солиштирилди. Солиштириш натижалари куйидаги жадвал ва диаграммада кўрсатилди. Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган кўпик ҳосил қилувчи "Сибиряк Универсальный" ва "Мультипена" моддалар ҳамда "Терминус" ва "Огнебиошит" маркали антипиренларни модификациясининг натижалари, таклиф қилинаётган алькилсульфонат натрий ва АДж-1, АДж-2, АДж-3, АДж-4, АДж-5 ва АДж-6 маркадаги олигомер антипиренларнинг модификациялари таҳлил қилинди ва солиштирилди. Модификацияланган ёнғиндан ҳимояловчи кўпикларнинг барқарорлиги куйидаги жадвалда кўрсатилди.

Лаборатория ва таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, яратилган ёнғиндан ҳимояловчи кўпик ҳосил қилувчи моддалар хориждан келтириладиган шу турдаги моддалар билан яққол рақобатбардош эканлиги аниқланди ва шу билан бирга жадвалда кўрсатилган кўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг барқарорлиги, экологик ва иқтисодий самарадор эканлиги илмий текшириш натижалари асосида аниқланди.

Адабиётлар:

1. [www.ctif.org](http://www.ctif.org).
2. <http://www.ogneportal.ru/news/russia/7891.21.07.2016>. Джон Уилсон, спец. автор.
3. Е.В. Гайнулина. Исследование возможности повышения кратности огнетушащих пен на основе стандартных пенообразователей путем использования различных модифицирующих добавок. Пожаровзрывобезопасность 2015г ТОМ 24 №10. С-75-79.

## **МАҲАЛЛИЙ ҲОМАШЁЛАР АСОСИДА ЁНҒИНГА БАРДОШЛИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ДАВР ТАЛАБИ**

*т.ф.н., доцент У.А.Ёқубов, О.А.Тўлаганов (ИИБ ЁХОТМ)*

Ҳозирги кунда жамоат, ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари бино-иншоотларининг ички қисмларини пардозлаш ва нотекис девор юзаларини тўсиш мақсадида ёғоч материаллари, пластмасса қопламалари, пенопласт, алюмин профиллар ва шу каби ёнғин хавфига эга материаллар кенг миқёсда қўлланилмоқда. Бу материалларнинг қўлланилиши қурилишнинг қисқа муддатларда яқунланиши, бино вазнининг енгиллашиши каби ижобий масалалар билан бир қаторда, бинонинг ёнғин хавфлилигини ошириб, ёнғин содир бўлганда: аланга ва учқунлар; атроф муҳитнинг юқори ҳарорати; ёниш ва термик парчаланишнинг захарли маҳсулотлари; тутун каби хавфли омиллар атроф муҳитга, инсонлар ва моддий товар бойликларига нисбатан салбий таъсир кўрсатишига олиб келмоқда. ГОСТ 12.1.004-91 "Ёнғин хавфсизлиги. Умумий талаблар"га мувофиқ одамлар ва моддий бойликлар хавфсизлигини таъминланиш даражаси масканлар учун иқтисодий томондан самарадор бўлиши ва куйидаги вазифалардан бирини бажариши лозим:

- ёнғиннинг содир бўлишига йўл қўймаслик;
- одамларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;
- моддий бойликларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;
- бир вақтнинг ўзида одамларнинг ва моддий бойликларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш.

Бундан кўришиб турибдики, масканларнинг ёнғинга қарши ҳимояси ёнғинни олдини олиш ва ёнғинга қарши ҳимоя тизимлари билан, шу қаторда ташкилий-техник ва конструктив чора-тадбирлар билан таъминланади. Шундай экан, масканларда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин майдонининг ортиб кетишини чегаралаш ҳамда ёнғин майдонига нисбатан ёниш юзасининг бир неча баробар ортиб кетишини чеклаш мақсадида ёнғин хавфи кўрсаткичлари меъёрланган асосий қурилиш конструкциялари ва материалларни (шу қаторда пардозлаш учун ишлатиладиганларни) қўллаш талаб этилади.

Шуларни инобатга олиб, ёнғин хавфини камайтириш мақсадида тўсувчи сифатида ёнғинга бардошли гипскартондан фойдаланиш самарали ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республикамизда қўлланилаётган ёнғинга бардошли ораёпма (тўсувчи)ларнинг кўп қисми хориждан валюта ҳисобига олиб келинмоқда. Бу материаллардан фойдаланиш бино-иншоотларнинг тан нарҳини ошиб кетиши ва катта маблағларни талаб қилинишига олиб келади, шу сабабли ёнғинга бардошли ораёпма (тўсувчи)ларни маҳаллий ҳом ашёлар асосида ишлаб чиқариш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

